

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЗУФАР ОХУНЖОНОВИЧ ҚОРЁҒДИЕВ**

**БУХОРО ЛЎЛИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ВА  
МАДАНИЯТИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Зуфар Охунжонович Қорёғдиев</b> Бухоро лўлиларининг ижтимоий ҳаёти ва маданияти.....	3
<b>Зуфар Охунжонович Қорёғдиев</b> Социальная жизнь и культура бухарских люли.....	25
<b>Zufar Okhunjonovich Koryogdiev</b> Social life and culture of bukharian lyuli .....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЗУФАР ОХУНЖОНОВИЧ ҚОРЁҒДИЕВ**

**БУХОРО ЛЎЛИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ВА  
МАДАНИЯТИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамиси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Tag370** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти**да бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) **Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fani.uz)** ҳамда **"ZiyoNET"** Аxbopит тaълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Адхамжон Ағнибамович Аширов</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Руза Баллиева</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Татяна Константиновна Сирбу</b> тарих, санъат ва археология фанлари доктор
<b>Ётакчи ташкилот:</b>	<b>Фанлар академияси Миллий Археология маркази</b>

Диссертация ҳақидаги **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти** ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи **DSc. 02/30.12.2019.Tag 56.01** рақамини **Илмий Кенгашнинг 2021 йил «15» декабр** соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@fani.uz](mailto:info@fani.uz)).

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси**да таништириш мумкин (**\_\_\_\_\_** рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Экинчилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «1» ДЕКАБР кунин тарқатилди.  
(2021 йил «24» НОЯБР \_\_\_\_\_ даги 15 рақамини реестр баёниномаси).



**Азамат Зиё**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тарих  
фанлари доктори, профессор

**Х.С. Жуминларов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тарих фанлари бўлими фалсафа  
доктори (PhD)

**Н.А.Аллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қoшидаги илмий  
семинар раиси, тарих фанлари  
доктори, катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнида сайёрамиз ягона ижтимоий-маданий бирлик тарзида ривожланмоқда. Мазкур жараёнда турли миллатларнинг ўзлигини англаши ва миллий маданиятларнинг ранг-баранглигини сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса турли халқлар ва диаспораларнинг ўзига хослигини белгиловчи миллий хусусиятлар ҳамда этномаданий жараёнларга янгича муносабатларни юзага келтирди.

Жаҳоннинг турли минтақаларида яшовчи лўлилар маданияти, анъаналари ва турмуш тарзини илмий жиҳатдан ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда. Зеро, лўлилар ўз давлатчилигига эга бўлмаган ва дунёнинг деярли барча мамлакатларида яшайдиган халқ ҳисобланади. Жаҳонда, хусусан, Европада лўлилар билан боғлиқ кескин миллий муаммолар (инсон ҳуқуқларининг поймол бўлиши, миллатчилик ва б.) натижасида улар беқарор миллатлараро муносабатларнинг омили бўлиб келган. Шу боис лўлиларнинг кундалик ҳаёти ва маданиятини тадқиқ қилиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга мавзулардан бири ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда миллий қадриятлар ва маданиятлараро муносабатларни ўрганишга эътибор тобора кучайиб бормоқда. Зеро, “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”<sup>1</sup>. Бу борада Республикамининг турли минтақаларида, хусусан Бухоро вилоятида яшаб келаётган, азалдан тарихий тақдирлари туташ бўлган халқлар билан бирга миллий-маданий муносабатда бўлган лўлиларнинг ижтимоий ҳаёти, қадрият ва анъаналарини элшунослик маълумотлари асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 07-07/1-2546-сон баёни ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Хақимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б. 264.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лўлилар тарихи ва маданияти кизиқарли мавзулардан бири бўлганлиги боис ушбу йўналишда қатор нашрлар амалга оширилган. Мавзу доирасида эълон қилинган ишларни муаммовий ёндашув асосида қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- “Лўли” атамаси талқинига бағишланган ишлар;
- лўлиларнинг кўчиши масалалари ақс этган адабиётлар;
- лўлилар маданиятга бағишланган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга А.Баранников, Ф.Гельвальд, И.Ҳошимов, Ш.Атаханов, С.Қораев, И.Оранский, Е.Марушиакова, В.Поповларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин<sup>1</sup>. Айнан мазкур гуруҳга мансуб адабиётларнинг фарқли томони шундаки, уларнинг асосий қисмида лўлиларнинг турли номларда аталиши билан бирга, лўлилар билан боғлиқ турли номларнинг мазмуни очиб берилган. Жумладан, тадқиқотчилар томонидан “лўли”, “жўги”, “мўлтони”, “мазанг”, “муғат”, “лури”, “товоқтарош/косатарош /соғутарош”, “ога/қошгар лўли”, “чистони”, “кавол”, “бўлуж”, “парья” каби лўлилар билан боғлиқ номларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг луғавий маъноси, турли халқ номлари билан ўхшаш ёки фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларда лўлиларнинг кўчиши масаласига эътибор қаратилган бўлиб, мазкур гуруҳга Й.Рюдигер, Г.Грельман, Ф.Потт, Ф.Миклошич, А.Шиле, Г.Снесарев, А.Троицкая, И.Магидович, Х.Назаров, А.Дониёров, А.Аширов, О.Бўриев, А.Ҳасанов ва А.Рейнерсларнинг тадқиқотларни киритиш мумкин<sup>2</sup>. Юқоридаги муаллифлар лўлиларнинг келиб чиқиши, тарихий ватанини қачон ва қандай тарк этгани, Марказий Осиё ҳудудларига кириб келишини тарихий далиллар асосида ўрганиб, хулосалар беришган.

---

<sup>1</sup> Баранников А. Цыганы СССР (краткий историко-этнографический очерк). – Москва: Центриздат, 1931. – С.33; Гельвальд Ф.Естественная история племен и народов. Том II. - СПб.: Издание А.С.Суворина, 1883. – С.534; Ҳошимов И. Лўлилар дунёсига саёхат. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б.29; Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тарих фан.номз.дисс. Тошкент, 2005. – Б.39; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – С.58.; Оранский И. Таджикоязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). Этнолингвистическое исследование.М.: Ин-т востоковедения, 1983. –С.32,60; Marushiakova E, Popov V. Central Asian gypsies: identities and migrations. Sprawy Narodowościowe Seria nowa / nationalities affairs new series, 46/2015: - P. 1.

<sup>2</sup> Matras Y. Johann Rüdiger and the study of Romani in 18th century Germany. Journal of the Gypsy Lore Society. 1999. – P.5-9; Grellman H. Dissertation on the Gipseys: Representing their manner of life, family economy. Whith an historical enquiry concerning their origin and first appearance in Europe. Trans.Matthhew Raper, London: Ballintine, 1807. – P.199; Pott F. Die Zigeuner in Europa and Asien. 2 vols (Halle, 1845-1846), rpt.Leipzig, 1964. – P.27; [https://archive.org/details/bub\\_gb\\_pMNi8TcDIEEC/page/n3/mode/2up](https://archive.org/details/bub_gb_pMNi8TcDIEEC/page/n3/mode/2up); Шиле А. Цыгане//Народы России. Этнографические очерки.СПб.; Издание редакции журнала “Природа и люди”. Типография товарищества Общественная польза, 1878. – С.451; Снесарев Г., Троицкая А. Среднеазиатские цыгане // Народы Средней Азии и Казахстана. Том II. - Москва: Изд-во Академии наук СССР, 1963. – С.599; Магидович И. Территория населения Бухары и Хорезма.Кн I. Материалы по районированию Средней Азии. – Ташкент, 1926. – С.218; Назаров Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли)//Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1980.– Б.170; Дониёров А., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнологияси. – Тошкент: NIF MSH, 2021. – Б.166.; Бўриев О., Ҳасанов А. Ўзбекистон лўлилари этнотарихий лавҳаларда // ҚарДУ хабарлари. Қарши. 2018. № 5(35). – Б.56.; Reyniers Alain. Gypsy populations and their movements within central and eastern Europeand towards some OECD countries // International migration and labour market policiesoccasional papers. University of Louvain-la-Neuve, Paris 1995,№ 1.– 38 p.

Учинчи гуруҳ адабиётларда лўлиларнинг моддий ва маънавий маданияти ёритилган. Хусусан, бу борада П.Шубинский, А.Семенов, А.Вамбери, Н.Хаников, А.Гребенкин, А.Хорошхин, Л.Соболев, Г.Снесарев, Л.Жукова, Патрис Ван Климпутлар тадқиқотларини қайд этиш мумкин<sup>1</sup>. Мазкур тадқиқотлар лўлиларнинг иқтисодий ҳаёти, хўжалик машғулоти, эътиқоди ҳақида маълумотлар қайд қилингани билан ажралиб туради.

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили асосида хулоса тарзда шуни айтиш мумкинки, турли тарихий даврларда лўлилар ҳақида кўплаб тадқиқотлар бажарилганига қарамасдан, Бухоро лўлиларнинг миллий ўзлигини англаши, моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ҳаёти ўрганилмаган. Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили диссертациянинг I боби 2 қисмида батафсил берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ЁФ1-ФА-0-12230 “Ўзбеклар миллий идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” (2018-2019 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бухоро лўлиларида ўзликни англаш, уларнинг ижтимоий ва маросимий ҳаёти ҳамда маданиятидаги ўзгаришларни элшунослик маълумотлари асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диаспора тушунчасига таъриф бериш;

лўлиларнинг миллий қатламларини ўрганиш;

Бухоро лўлиларининг келиб чиқишини тарихий манбалар асосида таҳлил қилиш ва уларни воҳа бўйлаб жойлашишини тавсифлаш;

лўлиларда оила, жамоавий ҳаётга оид анъаналаридаги этнохудудий хусусиятларни таҳлил қилиш;

Бухоро лўлиларига хос хўжалик машғулоти, моддий ва маънавий маданиятдаги ўзгаришларни этносоциологик маълумотлар асосида очиб бериш;

воҳада лўлиларининг ўзликни англашни очиб бериш;

лўли диаспорасининг замонавий жамиятга ижтимоий мослашуви бўйича амалий таклиф ва мулоҳазаларни бериш.

---

<sup>1</sup> Шубинский П. Очерки Бухары. - СПб.: Типография А.С.Суворина, 1892. – С.387; Семёнов А. По границам Бухары и Афганистана. Путьевые очерки. –Москва, 1898. Эл.ресурс: [http://drevlit.ru/docs/centralasia/XIX/1880-1900/Semenov\\_A\\_A/po\\_gr\\_afg\\_1.php](http://drevlit.ru/docs/centralasia/XIX/1880-1900/Semenov_A_A/po_gr_afg_1.php); Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.М.: Восточная литература, 2003. – С.85; ХаныковН.Описание Бухарского ханства. - СПб.: Типография императорской академии наук,1843. – С.73; Гребенкин А.Д. Мелкие народности Заравшанскаго округа// Русский Туркистан. Сборник. Вып.П. - Москва: Университетская типография (Катков и К), 1872. – С.116; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. - СПб., 1876. – С.146,153; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе (с приложением списка населенных мест округа). - СПб., 1874. – С.150; Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва:Наука, 1969.– С.301.; Жукова Л.И. Цыгане среднеазиатские// Этнический атлас Узбекистана. Институт «Открытое общество» - Фонд содействия Узбекистан. – Ташкент, 2002. – С.245.; PatriceVan Cleemput. Social exclusion of Gypsies and Travellers: health impact // Journal of Research in Nursing. UK, 2010. № 15(4) –P.315.

**Тадқиқотнинг объектини** Бухоро вилояти лўлилари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Бухоро вилояти лўлиларининг этник тарихи, воҳа бўйлаб жойлашуви, ижтимоий ҳаётининг этнохудудий хусусиятлари, оила муносабатлари, хўжалик машғулоти, моддий ва номоддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихийлик, холислик, тарихий-киёсий усул, визуал антропология, этносоциологик (сўровнома, кузатув ва суҳбат) усулларида кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилояти лўлилари минтақада олти аср мобайнида юз берган кўчиш тўлқинлари, турғун ҳаёт тарзига ўтиши босқичлари, турмуш тарзининг ўзгариши, маҳаллий аҳолига сингиши, ўзлигини англашдаги ўзгаришлар каби этноижтимоий жараёнлар натижасида уч гуруҳга – Бухоро шаҳри, Когон ва Гиждувон лўлиларига бўлинганлиги тарихий-элшунослик маълумотлари асосида далилланган;

воҳада Марказий Осиё лўлиларига хос бўлган *жўги*, *мўлтони* гуруҳлари билан бирга *бобо Абдурайим*, *бобо Оймаҳмад*, *бобо Бегмат*, *бобо Ёрмат*, *бобо Фуломи*, *бобо Йўлдоши*, *бобо Шаҳрисабзи*, *маллаги*, *қораги*, *ўтаги*, *ниёз урганжи*, *қавчин*, *балхи*, *қорача* каби янги ички уруғ-аймоқлар ҳам мавжудлиги аниқланган;

лўлиларнинг айримлари анъанавий машғулоти бўлган тиланчилик, фолбинликдан воз кечиб, табдиркорлик, савдо-сотик, ички ишлар, маориф, маданият ходими каби соҳа ва касбларни ўзлаштириш жараёни XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида лўлиларнинг фаол турғунлашуви ҳамда янги меҳнат кўникмаларини эгаллаши билан боғлиқ тарзда юз бергани элшунослик маълумотлари асосида исботланган;

лўлилар орасида кечган тилдаги ўзгариш жараёнлари асосида этнолингвистикага номаълум Бухоро воҳаси лўлиларининг ўзаро ички мулоқот воситаси – муғат тилига оид янги 25 та сўз аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятида лўлилар яшайдиган манзилгоҳларнинг харитаси яратилди. Харитада вилоятдаги жами 1 та шаҳар ва 11 та қишлоқда яшовчи лўлилар ҳақидаги тарихий-миқдорий, аҳолига оид маълумотлар (нуфуси, ижтимоий ҳолати) акс этган;

Илмий ишда эришилган илмий хулосалар замонавий фан тармоқлари (тарих, этнология, тилшунослик, антропология, маданиятшунослик) йўналишларидаги тадқиқотларга асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Бухоро лўлиларининг ижтимоий ҳаёти ва маданиятини ўрганишда замонавий этнология фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллари қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-элшунослик адабиётларидан фойдаланилганлиги, бирламчи халқшунослик манбаларига асослангани, холислик тамойилларининг қўлланилганлиги, Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани,

олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро лўлиларининг ижтимоий ҳаёти ва воҳа этнологиясини ўрганиш ҳамда Республикамизда диаспорашунослик йўналишидаги тадқиқотлар ривожига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашга доир таҳлилий маълумотлар тайёрлашда, “Йўл харита” ларини ишлаб чиқишда, Республикамизда яшаётган халқлар ва диаспоралар тарихи, маданиятига оид илмий-оммабоп нашрлар тайёрлашда, миллий бағрикенгликка доир лойиҳалар ва этнофестивалларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Лўлиларнинг хўжалик машғулотлари ўзгариши, турғунлашув натижасида тиланчилик билан шуғулланишдан янги соҳаларга ва касбларга кириб бораётган лўлиларнинг муаммолари ва уни бартараф этишга оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 6 май 2021 йил 14-07-926-сон маълумотномаси). Натижада кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар такомиллашувига, миллий-маданий кадриятларни ривожлантириш, диаспоралар маданиятини кенг тарғиб этишга асос бўлган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали “Etno” кўрсатувини тайёрлашда тадқиқотдаги илмий-назарий хулосалар, жумладан, Ўзбекистонда яшаётган лўли миллатининг этник тарихи, Бухоро лўлиларининг ижтимоий ҳаёти ва маданиятига доир маълумотлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУК нинг 26 феврал 2021 йил 02-40-288-сон маълумотномаси). Бу лўлиларнинг турмуш тарзи ва маданиятидан кенг жамоатчиликни яқиндан хабардор бўлиши учун илмий асос бўлган;

лўлиларнинг ўзаро ички мулоқот тили – муғат тилининг бугунги ҳолати ва уни сақлаб қолишга оид илмий хулосалардан Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 6 август 2021 йил 02/08-914-сон далолатномаси). Тарғибот ишлари Ўзбекистонда яшовчи лўлиларга хос маданият намуналари хусусан, тили, урф-одатлари, маросимларини сақлаб қолишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда Фанлар академияси Тарих институти Ёш олимлар кенгашида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та (улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) мақола, 9 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг жорий қилиниши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мавзунинг назарий-услубий асослари, тарихшунослиги ва лўлиларнинг этник тарихи”** деб номланган биринчи бобида диаспораларни ўрганишга оид назарий-услубий ёндашувлар, мавзу тарихшунослиги ва Бухоро воҳаси лўлиларнинг этник тарихи ҳамда жойлашув хусусиятларига доир маълумотлар акс этган.

Мазкур бобнинг **“Диаспораларни ўрганишга оид назарий-услубий ёндашувлар”** деб номланган биринчи параграфида диаспорага оид назарий қарашлар, унинг асосий хусусиятлари, вазифалари таҳлил қилинган.

Дастлаб, “диаспора” атамаси мил.авв VI асрда Фаластиндан қувғин қилинган ва унинг худудидан ташқарида яшаган яҳудийларга нисбатан қўлланилган. Вақт ўтиши билан эса бу ибора ўз тарихий ватанидан ташқарида яшаган бошқа миллий гуруҳларга нисбатан ҳам тадбиқ этила бошланган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда фанда диаспоралар шартли равишда бир қанча турларга бўлиб ўрганилади. Хорижий тадқиқотчилардан Габриэл Шеффер (Sheffer G.) нинг диаспора назариясига оид асарида лўлилар “уйсиз диаспора” сифатида туркумланган<sup>2</sup>. Сабаби, илмий жамоатчиликда улар бутун дунё бўйлаб тарқалган ва ўзининг умумий миллий давлатига эга бўлмаган халқлар

<sup>1</sup>Рафалюк С.Ю. Диаспора: к вопросу об эволюции понятия// Зовнішня політика і дипломатія: традиції, тренди, досвід. Випуск 21. серія «Історичні науки». Частина I. Україна, 2014. – С.71.

<sup>2</sup>Sheffer G. Diaspora politics. At Home Abroad. – New York: Cambridge University Press, 2003. – P. 90.

сифатида эътироф этилади. Бироқ, баъзи гуруҳ тадқиқотчилар лўли диаспорасини “классик” диаспора сифатида эътироф этишади<sup>1</sup>. Бу иккала таснифлашнинг қай бири Ўзбекистон лўлиларига мос тушиши?, биз учун муҳим савол ҳисобланади. “Уйсиз” диаспора тушунчаси Ғарб мамлакатлари мисолида айтилса, тўғри бўлади. Сабаби, Европанинг кўплаб мамлакатларида ёки АҚШ да лўлиларнинг дардабар ҳаёт кечирувчи этник гуруҳлари бугунги кунгача сақланиб қолган. Аксарияти бирор давлат фуқаролигига эга эмас ва улар қадами етган жойни ўзининг ватани, деб билишади. Бироқ, Ўзбекистон лўлилар мисолида бундай ёндашув хато бўлар эди. Чунки, улар турғун ҳолатда яшаб, дарбадар ҳаёт тарзи сақланиб қолмаган. Маълум қишлоқ ва маҳаллаларда биқик ёки тарқоқ ҳолда истиқомат қилиб келишади. Улар Ўзбекистон фуқаролари саналади ва бошқа фуқаролар каби ҳуқуқ, мажбуриятларга эгадирлар. Шунинг, учун уларга нисбатан “уйсиз” иборасини ишлатиш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Демак, Ўзбекистон лўлиларига нисбатан “классик диаспора” сифатида ёндашилса тўғри бўлади. Лўлиларнинг қадимги Ҳинд диёридан Марказий Осиёга кўчиши бошланган давр милодий V аср эканлиги<sup>2</sup> инобатга олинса, бундай талқинни мантиқий ҳулоса, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳулоса қилиб айтганда, муайян диаспорани ўрганишдан олдин бу борадаги фанда мавжуд назарий-услубий қарашлардан хабардор бўлиш талаб этилади. Ҳар бир этноижтимоий гуруҳларнинг шаклланишига замин яратган тарихий шарт-шароитлар мавжуд. Шунингдек, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари ва турлари бор.

Диаспоралар орасида “классик диаспора”, “уйсиз диаспора” деб таъриф берилган лўлилар, асрлар давомида этник ўзлигини сақлаб қолиши эвазига, ҳатто глобаллашув жараёнларида ҳам атрофдаги жамиятга яқинлашди, жипслашди, аммо, қоришиб кетгани йўқ. Буни ўзига хос қонуният билан изоҳлаш мумкин: Этник ўзликни англаш – халқ ҳаёт фаолиятидаги онгли тасаввурларининг бирмунча барқарор тизими ва мавжуд миллий таркибий қисмларини баҳолаш ҳисобланади. Ушбу тизимнинг шаклланиши натижасида инсон ўзини этник гуруҳнинг вакили сифатида англайди<sup>3</sup>. Ўзликни англашнинг барқарорлиги ва унинг ижобий йўналтирилганлиги шахснинг ижтимоий гуруҳда руҳий хавфсизликни ҳис қилишида асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун шахс уни доимий ривожлантиришга ва ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Демак, шу зайдда шахс ва унинг жамоаси ўзига хосликни сақлаб қолади.

Мазкур бобнинг **“Мавзу тарихшунослиги”** деб номланган иккинчи параграфида Бухоро лўлилари этнографиясига бағишланган тадқиқот ишлари таҳлилига доир масалалар ёритиб берилган.

Бухоро лўлилари ҳақидаги тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1. “Лўли” атамаси талқинига бағишланган ишлар; 2.

<sup>1</sup>Кочетков В.В, Калинин В.Ю. Национальные диаспоры в транснациональном пространстве // Вестник Московского ун-та. Серия 18. Социология и политология, № 1. Москва: 2009, – С.74.

<sup>2</sup> Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1984. – Б.629.

<sup>3</sup>Хотинец В.Ю. Этническое самосознание. – СПб.: “Алетейя”, 2000.- С.88.

Лўлиларнинг кўчиши масалалари акс этган адабиётлар; 3. Лўлиларнинг моддий ва маънавий маданиятга бағишланган тадқиқотлар.

Дастлабки гуруҳ адабиётларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўрганилаётган гуруҳ “лўли”, “жўги”, “мазанг”, “мўлтони”, “мугат” каби турли номларда аталган. Бу сўзларнинг луғавий маъноси турлича бўлсада, айнан лўлиларга нисбатан атрофдаги халқлар ёки уларнинг ўзлари томонидан қўлланилган бўлиб, улар орасида энг қадимгиси “лўли” номидир. Бу атама дастлаб Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида келтирилган. Унда Ҳиндистондан совға сифатида Эрон шоҳи Баҳром Гўрга (хукмронлиги V аср) юборилган 10 минг қўшиқчи ва раққослардан иборат лўлилар ҳақида байтлар мавжуд<sup>1</sup>. А.П.Баранниковнинг фикрича, ҳозирги Эрон ва Ўрта Осиё лўлилари айнан ўша инъом қилиб юборилган лўлиларнинг авлодлари ҳисобланадилар<sup>2</sup>. Этнограф Ф.Гельвальд эса лўли атамасини “Лурилар” ва “Луристонликлар” билан боғлайди. Катта лури – “лури бахтари” ва кичик лури – “лури феили” деб аталувчи икки гуруҳга бўлинган ушбу қавмнинг лўлиларга мансублиги ҳақидаги мулоҳазани келтириб ўтган<sup>3</sup>. Г.Снесарев ва А.Троицкаялар лўли атамасини форс тилининг изоҳли луғатида – *дарбадар ашулачи, раққос, камбагал* деган маъноларни англатиши билан изоҳлайди<sup>4</sup>.

Лўлиларга нисбатан форсий тилда ишлатиладиган “жўги” номининг ҳам турли талқинлари бўлган. Фарғона водийси лўлиларни ўрганган Ш. Атаханов фикрича, “жўги” сўзи бир томондан “йога” маъносида, иккинчи томондан ҳинд тилида “дарвеш, тиланчи” маъносида қўлланилган<sup>5</sup>.

Умуман олганда, турли муаллифлар лўлиларнинг номларини турлича талқин қилишсада, барчалари асосий урғуни Ҳиндистонга қаратишган ва халқнинг аталишига оид тарихий асосларини шу ердан излашган.

Иккинчи гуруҳга кирувчи нашрларда лўлиларни кўчиши, жумладан, уларнинг келиб чиқиши, тарихий ватани, кўчиш сабаблари ўрганилган. Бу масалаларни таҳлил қилиш асносида Ўзбекистонга, хусусан Бухорога лўлиларнинг кириб келиши босқичлари ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Айтиш жоизки, лўлиларнинг келиб чиқиш тарихи фандаги анча мунозарали масала бўлиб, бу масалада олимлар томонидан турлича қарашлар илгари сурилган. Лўлиларнинг Ҳиндистондан келиб чиққанликлари ҳақидаги қарашларни биринчилардан бўлиб илгари сурган олимлар сифатида немис тадқиқотчилари Й.Рюдигер<sup>6</sup>, М.Грельман<sup>7</sup> (XVIII аср охири), Ф.Потт<sup>1</sup> (XIX

<sup>1</sup>Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1984. – Б.629.

<sup>2</sup>Баранников А.П. Цыганы СССР (краткий историко-этнографический очерк). – Москва: Центриздат, 1931. – С.33.

<sup>3</sup>Гельвальд Ф. Естественная история племен и народов. Том II. – СПб.: Издание А.С.Суворина, 1883. – С. 534.

<sup>4</sup>Снесарев Г., Троицкая А. Среднеазиатские цыгане // Народы Средней Азии и Казахстана. Том II.- Москва:Изд.Академии наук СССР, 1963. – С.598.

<sup>5</sup>Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тарих фан.номз.дисс. – Тошкент, 2005. – Б.39.

<sup>6</sup>Matras Y. Johann Rüdiger and the study of Romani in 18th century Germany. Journal of the Gypsy Lore Society. 1999. – P.5-9.

<sup>7</sup>Grellman M. Dissertation on the Gipseys: Representing their manner of life, family economy. Whith an historical enquiry concerning their origin and first appearance in Europe. Trans.Matththew Raper, London: Ballintine, 1807. – P.199.

аср), славян олими Ф.Миклошичлар<sup>2</sup> (XIX аср) ни айтиш мумкин. Уларнинг фикрларини умумлаштириб айтганда, лўлилар асли Панжобнинг *чангар* деб номланувчи қабиласи бориб тақалиши ва айнан улар Ҳиндистондан бутун дунё бўйлаб тарқалган лўлиларнинг аجدодлари эканлигини таъкидлашади. Айниқса, М.Грельман лўлиларнинг келиб чиқиши ҳақида ёзма манбалар мавжуд бўлмасда, лўлиларнинг ҳиндлар билан ташқи тузилиши ва тил жиҳатдан ўхшаш эканликларини ўз қарашларига асос қилиб келтиради.

Учинчи гуруҳ адабиётлар лўлиларнинг моддий ва маънавий маданиятга бағишланган тадқиқотлардан иборат. Айнан мазкур гуруҳга оид ишларда лўлиларнинг иқтисодий ҳаёти, ҳўжалик машғулоти, эътиқоди ҳақидаги маълумотлар акс этган.

А.Гребенкин Зарафшон округида истиқомат қилувчи майда миллатлар ҳақида ёзар экан, мазанглар деҳқончилик қилиб умргузаронлик қилганлар, аёллари уйма-уй юриб, майда савдогарлик билан шуғулланганлар, деб маълумот беради<sup>3</sup>. Лўлилар эса, дарбадар гуруҳ бўлиб, тиланчиликни касб қилганлар. Жўғилар деҳқончилик ва ёғоч буюмлар, арава ғилдиракларини яшаш, тўқимачилик ва темирчилик ҳунарлари билан машғул бўлганлар.

И.М.Оранский томонидан Ҳисор водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги этник гуруҳлари тилларига бағишланган тадқиқотида Бухоро жўғиларининг яширин тили (арго)\* ҳақида маълумот берган<sup>4</sup>.

Г.П.Снесарев лўлиларнинг қадимий эътиқоди хусусида айрим маълумотларни келтириб, исломга қадар улар ҳаётида анимистик қарашлари устун бўлганлиги ҳақида маълумот берган<sup>5</sup>. Чунончи, айрим лўли қавмлари жайра гўштини истеъмол қилмаганлар. Сабаби қачонлардир бу жонзотнинг инсон бўлганлигига ишонганлар. Бугунги кунга келиб лўлилар ислом дини сунний мазҳабига эътиқод қилиб, барча мусулмонлар сингари диний амалларни бажарадилар.

Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларида яшайдиган лўлилар ҳақида тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, Бухоро лўлиларнинг моддий ва маънавий маданияти элшунослик маълумотлари асосида изчил ўрганилмаган. Ҳолбуки, бу ҳудуднинг ўзига хос ҳудудий хусусиятлари, бошқа лўлилар маданиятидан ажралиб турадиган жиҳатлари кўп. Уларни изчил тадқиқ қилиш фаннинг бу соҳадаги бўшлиғини тўлдирари.

Хулоса қилиб айтганда, диаспоралар тарихи, анъаналари ва маданиятини ўрганиш баробарида маданиятлараро ҳамкорлик ва

---

<sup>1</sup> Pott F. Die Zigeuner in Europa and Asien. 2 vols (Halle, 1845-1846), rpt. Leipzig, 1964. – P.27.

<sup>2</sup> [https://archive.org/details/bub\\_gb\\_pMNi8TcDIEEC/page/n3/mode/2up](https://archive.org/details/bub_gb_pMNi8TcDIEEC/page/n3/mode/2up)

<sup>3</sup> Гребенкин А.Д. Мелкие народности Заравшанского округа// Русский Туркистан. Сборник. Вып. II. М.: Университетская типография (Катков и К), 1872. – С.116

<sup>4</sup>Оранский И. Таджикоязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). Этнолингвистическое исследование. – Москва: Ин-т востоковедения, 1983. – С. 32,60.

\*Арго – (фран. argot - жаргон)маълум тоифа кишиларигагина тушунарли сўзлар мавжудлиги билан умумхалқ тилидан фарқ қилувчи, бирор ижтимоий гуруҳга хос ясама тил. Кўчиб юрувчи савдогарлар ва ҳунармандлардан иборат лўлилар касб-ҳунарга оид фаолиятларини атрофдаги халқлардан махфий сақлаш воситаси сифатида аргодан фойдаланишган.

<sup>5</sup>Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва:Наука, 1969.– С.301.

хамжихатлик жараёнлари, ҳолатлари, натижаларини тизимли равишда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги глобаллашув кучайиб бораётган даврда ҳар бир халқнинг маданий хусусиятларини ўрганиш ва уларни ўзгаришларсиз сақлаб қолиш этнология фанида тадқиқотларнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

Биринчи бобнинг **“Бухоро лўлиларнинг этник тарихи ва воҳада жойлашув хусусиятлари”** деб номланган учинчи параграфида лўлиларнинг тарихий ватани Ҳиндистондан кўчиш сабаблари, турли даврларда Марказий Осиё, хусусан Бухоро воҳасига кўчиб келиш босқичлари, воҳа лўлиларининг этноижтимоӣ катламларини ва уларнинг ҳудуд бўйлаб жойлашуви ўрганилган.

Лўлилар Ҳиндистонни тарк этгач, узоқ вақт Афғонистонда яшаган. Натижада улар маҳаллий аҳоли таркибига сингиб, ўзига хос этник гуруҳларни ташкил қилган. Кейинчалик, улар Марказий Осиё ҳудудларига кўчиб ўтишган. Лўлилар икки дарё оралиғида бир-биридан фарқ қилувчи этнографик (лўлилар ва лўлисифат гуруҳлар<sup>1</sup>) гуруҳларни ташкил этган. Улар етарли даражада тўлиқ ўрганилмагани учун бир-бирига қариндошлик алоқалари ўз ечимини топмаган<sup>2</sup>.

Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқлари аҳолиси ўртасидаги яқин тарихий ва миллий алоқалар, бу ҳудудларнинг жуғрофий ўзига хосликлари, ўзаро қадимий савдо ҳамда маданий алоқаларнинг ўрнатилишига имкон яратган. Ўтган асрлар давомида Амударёнинг чап қирғоқларидан (ёки чап қирғоқлари орқали) Марказий Осиёга бир қатор араб уруғлари кириб келган. Шундай кўчиб ўтишлар жараёнида Афғонистондан (ёки Афғонистон орқали) *кавол*, *чистони*, *паръя* каби лўлисифат этник гуруҳлар ҳам келишган. Бу гуруҳ вакиллари аجدодларининг келиб жойлашганлари ҳақидаги хотираларни сақлаб қолганлар. Маҳаллий аҳоли ҳам уларни Афғонистондан келишган, деб ҳисоблайди. Шу боис уларни “афғонлар” деб атайд<sup>3</sup>.

Лўлилар Марказий Осиёга бир тарихий даврда кириб келмаган. Улар турли даврларда (V аср, X-XI асрлар, XIV аср, XIX асрнинг охири XX аср бошлари) ва турли йўллар билан кириб келишган. Тадқиқотчилар лўлиларнинг кўчиш йўли Ҳиндистон-Афғонистон-Ўзбекистон йўналишида ёки Эрон-Афғонистон-Ўзбекистон йўналишида амалга ошган, деб таъкидлашган<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунга келиб, лўли гуруҳлари Бухоро шаҳри ва туманларидаги 12 та маҳаллада яшайди. Улар кўп ҳолларда уруғларга бўлиниб, турли уруғлар орасида у ёки бу даражадаги алоқалар сақланиб қолган. Дала

<sup>1</sup> Marushiakova E., Popov V. Gypsies in Central Asia and the Caucasus. – Switzerland: Macmillan, 2016. – P.10.

<sup>2</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва: Наука, 1976. – С.253.

<sup>3</sup> Оранский И. Таджикоязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). Этнолингвистическое исследование. – Москва: Ин-т востоковедения, 1983. – С.23

<sup>4</sup> Назаров Х. Влияние октябрьской революции на положение и быт среднеазиатских цыган (на примере, цыган, живущих в городе Самарканд и Самаркандской области). Автореф.дисс.канд.ист.наук. – Москва:1970. 25 – С; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва:Наука, 1976. – С.253; Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тарих фан.номз.дисс. – Тошкент; 2005. – Б. 33.

тадқиқотлари жараёнида Бухоро вилояти бўйича 10 дан ортиқ лўли уруғлари бўлганлиги аниқланди<sup>1</sup>. Қизик ва эътиборга сазовор томони шундаки, ўзбек ва тожик халқларидан фарқли равишда лўли уруғлари номи олдига “бобо” сўзи қўшилади. Жумладан, *бобо Абдурайим, бобо Оймаҳмад, бобо Бегмат, бобо Ёрмат, бобо Ғуломи, бобо Йўлдоши, бобо Шаҳрисабзи* аталади<sup>2</sup>. Шу билан бирга баъзан ушбу уруғ номлари “бобо” сўзини қўшмасдан ҳам айтилиши мумкин. Ҳар бир лўли ўзининг мансублигини у ёки бу уруғга боғлайди. Айнан мазкур гуруҳлар уруғларга бўлинишига қарамай ўзаро муносабатлар жуда яқин, аралаш никоҳлар одатий ҳол деб қаралади. Ўз навбатида юқоридаги уруғлар яна кичик шаҳобчаларга, масалан, йўлдоши уруғи *маллаги, қораги, ўтаги* каби уруғ шаҳобчасига бўлинади. Абдурайим уруғи эса *ниёз урганжи* уруғининг бир тармоғи бўлган<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро воҳасига лўлиларнинг кириб келиши босқичлари турли йилларда содир бўлган, Ҳозирда уларнинг 10 дан ортиқ ижтимоий гуруҳлари бўлиб, нуфуси тахминан 5100 нафар кишини ташкил этади.

Биринчи боб юзасидан хулоса қилиб айтганда, диаспора шундай мустаҳкам этник гуруҳки, ўзга ижтимоий ва маданий муҳитда яшаб туриб, ўзликни англашни сақлаб қолиш, гуруҳ аъзоларининг маданий, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш унинг хусусияти ҳисобланади.

Ўзбекистон лўлилари тарихшунослиги таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотларда асосан этник тарихи, кўчиши, хўжалиги, тили ва урф-одатлари бўйича самарали ишлар амалга оширилган. Шунингдек, Самарқанд ва Фарғона водийсида яшайдиган лўлилар ҳақида тадқиқотлар бажарилган бўлсада, Бухоро лўлилари ўрганилмаган.

Диссертациянинг “**Лўлиларнинг турмуш тарзи ва хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар**” деб номланган иккинчи бобида лўлиларнинг оилавий ҳаёти, жамоавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари ва лўлиларнинг хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг “**Оилавий ҳаёт ва гендер масаласи**” деб номланган биринчи параграфиди лўлиларнинг оилавий ҳаёти, оилада аёлнинг ўрни, бола тарбияси, оилавий муносабатларнинг замонавий кўринишлари таҳлил қилинган.

Этносоциологик тадқиқотлар асосида лўли оилаларидаги аралаш никоҳлар ўрганилди. Саволнома асосан Бухоро шаҳри, Когон ва Ғиждувон туманларида ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида, Ғиждувон тумани ва Бухоро шаҳрида яшовчи лўли оилаларда аралаш никоҳлар кўпроқ учраши аниқланди. Сабаби, бу ҳудуд лўлилари турмуш тарзида тиланчилик сақланиб қолмаган. Шунинг учун ҳам атрофдаги аҳолига қўшилиш нисбатан юқори бўлган. Когон туманида эса, аралаш никоҳлар кам ва ички никоҳлар, яъни этник гуруҳ ўртасида ўзаро никоҳлар кўпчиликти ташкил этади. Чунки, уларнинг турмуш тарзида тиланчилик қилиш ҳалигача сақланиб қолган ва

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Хўжа барги қишлоғи. 2017 йил.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Деча обод маҳалласи. 2018 йил.

<sup>3</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Ўба чўли қишлоғи. 2018 йил.

улар асосан биқик ҳаёт тарзини олиб боришади. Шунинг ҳисобига ижтимоий жихатдан атрофдаги аҳолига кўшилиш даражаси паст ҳисобланади<sup>1</sup>.

Оилада аёл ва эркак муносабатларида гендер тенглик даражасини ўрганиш учун аёл ва эркак лўлилар баробар жалб қилинди. Натижада ҳар иккала жинс вакилларининг ҳам жавоблари яқин бўлиб, 87 % ахборотчи оилада эркакнинг ўрни устун бўлиши керак, деган жавобни берган бўлса 13 % оилада эркак ва аёл тенг ҳуқуқли бўлиши кераклигини билдирди. Бу жавобни белгилаганларнинг 90 % Бухоро шаҳри ва Ғиждувон туманида яшовчи лўлиларнинг тўғри келади<sup>2</sup>. Фақат 10 % Когон туманида яшовчи лўлилар оилада аёл ва эркак тенг ҳуқуқли бўлиши керак, деган фикрда жавоб беришди<sup>3</sup>. Демак, Бухоро шаҳри ва Ғиждувон туманида ижтимоийлашган лўли аҳолидан фарқли равишда, Когон туманида яшовчи лўли оилаларида аёлларнинг ижтимоий роли пастроқ. Оилада аёлнинг ҳуқуқ ва имкониятлари, ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишда иштироки таъминланмаган. Бу сўзимизнинг яна бир исботи, шу каби оилаларда кўп хотинлиликнинг мавжудлигидир. Юқоридаги ҳудудда ўрганилган оилаларнинг 8 % эркакларда (16 та оила) икки ва ундан ортиқ хотинлари борлиги аниқланди<sup>4</sup>.

Иккинчи бобнинг “**Жамоавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган кейинги параграфида лўлиларда маҳалла анъаналари, оқсоқоллик институти, жамоавий ҳаёт тарзи таҳлил қилинди.

Лўлилар кундалик ва ижтимоий ҳаётида жамоавийлик муҳим аҳамият касб этган. Улар орасида жамоавий гуруҳ *тўп* ёки *тўпор* деб юритилади. Бу ўзига хос ижтимоий тузилма асосан қариндош оилалардан ташкил топган бўлиб, айрим ҳолатларда қондошлик алоқалари бўлмаган оилалар ҳам тўпга аъзо бўлганлар. Ҳар бир тўпорга оқсоқол раҳбарлик қилган. Ўзбек хонликларида лўлилар оқсоқоллари махсус ёрлик билан тасдиқланган ва уларга муҳим вазифалар юклатилган. Оқсоқоллар тўй, дафн-тазия маросимларига, умуман, жамоага раҳбарлик қилишган<sup>5</sup>. Тўпорда кекса ёшли инсонларнинг мавқеи юқори бўлиб, анъанавий ўзини-ўзи бошқариш шакли, яъни ёши улуғлардан ташкил топган “оқсоқоллар кенгаши” муҳим жамоавий масалаларни ҳал қилган<sup>6</sup>. Бошқача айтганда, бу лўлилар тўпорининг қадимий ижтимоий тузилмаси ҳисобланган. Кенгашнинг маслаҳати ва розилигисиз тўпор бошлиғи – оқсоқол мустақил равишда фаолият олиб бормаган. Одатда жамоа етакчиси кексалар билан кенгашган ҳолда барча ички масалаларни ҳал этган. Бироқ, охириги қарорни қабул қилиш оқсоқолнинг зиммасида бўлган. Оқсоқол катта ваколатларга эга ҳисобланиб, у бошқа лўли гуруҳлари орасида ҳам обрў-эътиборга сазовор бўлган. Оқсоқол юқори мартаба бўлиб, бу

<sup>1</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Когон ва Ғиждувон туманлари. 2021 йил.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри ва Ғиждувон тумани. 2021 йил.

<sup>3</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Фурқат маҳалласи. 2021 йил.

<sup>4</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани, Садриддин Айний маҳалласи. 2021 йил.

<sup>5</sup> Бўриев О., Ҳасанов А. Ўзбекистон лўлилари этнотарихий лавҳаларда // ҚарДУ хабарлари. Қарши. 2018. № 5(35). –Б.58.

<sup>6</sup> Назаров Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1980. – С.173.

вазифасига тажрибали, обрўли, нисбатан моддий аҳволи яхши бўлган кишилардан танланган. Айрим ҳолларда тўпор унинг номи билан аталган<sup>1</sup>.

Замонавий жамиятда *тўпор* ва *оқсоқол* тушунчалари ўзининг тарихий маъно-мазмунини бирмунча ўзгартирган. Бунга сабаб – лўлиларнинг турғунлашуви ва турмуш тарзидаги ўзгаришлардир. Тўпор тушунчаси ўрнини маҳалла тузилмаси эгаллади. Чунки, тўпор – бу дарбадар лўлиларнинг уюшмаси бўлиб, ҳозирда бундай ҳаёт тарзи сақланиб қолмаган ва барча лўлилар ўтроқ ҳолда турли қишлоқ ва маҳаллаларда яшайдилар.

Лўлиларда жамоа уюшқоқлиги ва бирдамлигини маҳалладаги ўзаро ёрдам, хашар, тўй-маракаларида одамларнинг иштироки каби ҳолатларда кўриш мумкин. Уларда ижтимоий меъёрлар – яъни, жамият томонидан белгиланган ва қоида тусини олган тартиблар қатъий белгиланган. Бу тартиблар бузилганда, албатта ижтимоий муносабат билдирилади. Маълумки, глобаллашув натижасида айна даврда бутун дунё бўйлаб, айниқса Ғарбда ижтимоий бегоналашувдек иллат кузатилмоқда. Лўлиларнинг жамоавий ҳаёти бундай ҳолатлардан холи, дейиш мумкин. Атрофдаги бошқа аҳоли сингари, лўлиларнинг ҳам жамоавий ҳаётидаги уюшқоқлик бугун мамлакатдаги ижтимоий тараққиётининг устунларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу бобнинг **“Хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар”** деб номланган учинчи параграфида лўлиларнинг машғулоти, касб-кори, даромад манбаи, иқтисодий тизимидаги этнохудудий хусусиятлар тадқиқ қилинган.

Лўлиларнинг машғулоти турлари ўзгариб бориши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий омиллар билан боғлиқ равишда кечган бўлиб, диссертацияда бу жараёнлар уч босқичга бўлиб тадқиқ қилинди:

1. XIV асрдан – XX асрнинг 20-йилларига қадар (халқ томошалари кўрсатиш, тиланчилик, фолбинлик, табиблик, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва кам миқдорда деҳқончилик ҳамда чорвачилик);

2. XX асрнинг 20-йилларидан – 90-йилларига қадар (Ҳунармандчилик артеллари, фабрикалар, цехларда ишчи, жамоа хўжаликларида, турли корхона ва ташкилотларда хизматчи, тиббиёт, ички ишлар, маориф ва маданият соҳаси вакиллари, қисман тиланчилик, фолбинлик);

3. Мустақиллик йиллари (турли корхона ва ташкилотларда хизматчи, ички ишлар, маориф ва маданият соҳаси вакиллари, савдо-сотик, тадбиркорлик, меҳнат муҳожирлиги, тиланчилик, фолбинлик, иккиламчи махсулот йиғиш).

Лўлиларнинг машғулотидаги ўзгаришлар юқоридаги уч босқичга бўлишининг сабаби, шу учта йирик босқичларда Марказий Осиё халқлари қаторида, лўлиларнинг ҳам ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган. Бу ўзгаришлар, Темурийлар даврида лўлиларнинг минтақада фаол ўрнашишларидан то хонликлар даврига қадар турмуш тарзи, шўролар ҳокимияти ўрнатилгач лўлиларни дарбадар ҳаётига чек қўйиш ва

---

<sup>1</sup>Назаров Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1980. – С.173.

турғунлаштириш сиёсатининг олиб борилиши, мустақиллик йилларида миллий-этник сиёсатнинг янги босқичга кўтарилиши каби омиллар билан изоҳланади. Яъни, ҳар бир йирик босқичдаги ижтимоий-сиёсий муҳит хўжалик машғулотларининг ўзгариб боришига таъсир кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро лўлилари турмуш тарзи ва машғулотлари асрлар давомида атрофдаги халқларнинг этномаданияти таъсирида ўзгаришларга учради. Бухоро лўлилари турмуш тарзи ва кундалик машғулотларидаги ўзгаришлар уларнинг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Меҳнат кўникмалари ва янги-янги хўжалик машғулотларини ўзлаштириш натижасида қашшоқ ва ночор лўлилар қатлами кескин камайган. Улар авваллари малака ва билим талаб қилмайдиган турли ишларда ишлаган бўлсалар, бугунги кунда маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ҳамда ички ишлар тизимида фаол фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда лўлилар орасида мулкӣ фарқланиш сезиларли даражада ортган. Тадбиркорлар, чорвадорлар, ишбилармонлар билан бир қаторда ўрта ҳол оилалар, камбағал оилалар ҳам мавжуд.

Иккинчи бобга хулоса қилиб айтганда, анъанавий лўли жамияти биқик бўлиб, унда ўзаро ички никоҳлар амалга оширилган бўлса, замонавий жамиятда аралаш никоҳлар сезиларли равишда кўпайган. Чунки, бошқа миллат вакиллари билан оила қуришга тўсқинлик қилувчи омил – бу лўлиларнинг тиланчилик машғулоти десак, хато бўлмайди. Шу билан бирга, лўли оиласига хос хусусиятлар бўлган эрта никоҳ, полигамия (кўп хотинлилик) сақланиб қолган. Жамоавий ҳаёти эса муайян маҳалла ва қишлоқлардан ташкил топган бўлиб, унда оқсоқолларнинг нуфузи баланд ҳисобланади. Шунингдек, лўлиларнинг ижтимоийлашуви ва турғун ҳаёт тарзига ўтиши анъанавий машғулотлар билан бирга янги меҳнат кўникмаларини эгаллашига олиб келди. Натижада, улар орасида ишчи-хизматчи, тадбиркор, чорвадор ва бошқа ижтимоий қатламлар шаклланди.

Диссертациянинг “**Лўлиларда ўзликни англаш, маданиятдаги ўзгаришлар**” деб номланган учинчи бобида лўлиларнинг ўзликни англашдаги ўзгаришлар билан бирга анъанавий моддий маданияти ва оилавий маросимларидаги ўзгаришлар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг “**Лўлиларнинг ўзлигини англаши: анъанавийлик ва замонавийлик**” деб номланган биринчи параграфида ўзликни англаш, менталитет ва энтӣк қолип (стереотип) тушунчалари асосида Бухоро лўлиларининг замонавий идентӣклиги ҳақида сўз юритилади.

